

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Parkent universal savdo kompleksi" AJ

Объявление

"PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ УЧУН МУСТАҚИЛ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

«Parkent universal savdo kompleksi» акциядорлик жамияти жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотларни танлаш бўйича танлов **ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**.

Корпоратив Бошқарув Кодексида белгиланган ташкилотлар танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Танловдаги таклифлар қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олади:

- Корпоратив бошқарув тизимида ўтказилган баҳолашнинг дастлабки қиймати билан танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчисининг таклифи;
- Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг, аудиторлик ташкилотлари учун берилган аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи лицензияси ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун берилган қимматли қоғозлар бозорининг профессионаллик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи лицензияларининг нусхалари;
- Ташкилот ҳақида маълумот;
- Аудиторнинг малака сертификати, қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака сетификати, корпоратив бошқарувнинг малака сертификати ва бошқа халқаро сертификат нусхалари;
- Корпоратив бошқарув тизимининг баҳолаш усули;
- Жамият корпоратив бошқарув тизими баҳоланишида иштирок этувчи мутахассисларнинг тегишли ҳужжатлар нусхаларини тақдим этиш билан бирга улар тўғрисидаги маълумотлари.

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими баҳоланилишининг ўтказилиш даври – 2023 йил апрел ойида.

- Танловда иштирок этиш учун таклифларни бериш муддати: 2023 йил 4 апрел соат 12-00 гача.

Танловда иштирок этиш учун: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Паркенткўчаси 74 уй, Жамиятнинг қимматли қоғозлар бўлимига таклифларни тақдим этишлари мумкин.

- Масъул шахс– Н.А.Норхўжаев

Танлов ўтказилиши бўйича тушунтиришлар ва рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни куйидаги телефон рақами орқали олишингиз мумкин: (71) 269-39-61

- Муддатидан кейин тақдим этилган таклифлар ҳақиқий деб ҳисобланмайди ва кўриб чиқилмайди.

17.03.2023

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/15142/>

Дата: 08.06.2023